



САЙЁҲЛИК – ИҚТИСОДИЁТНИНГ ОЛТИН ЗАХИРАСИ

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ЗУРАБ ПОЛОЛИКАШВИЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев UNWTO делегациясига ва Зураб Пололикашвилига V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларининг очилиш маросимидаги иштироки учун миннатдорчилик билдирди.

Президент ушбу тадбир халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, Қозоғистон нуфузини юксалтириш, мамлакатнинг бой маданий-тарихий меросини улуғлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Қ. Тўқаев Қозоғистон Ташкилот билан яқин ҳамкорлик қилиш тарафдори эканлигини ва сайёҳлик соҳасида қўшма ташаббусларни амалга оширишга тайёрлигини маълум қилди.

Бош котиб Зураб Пололикашвили V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларининг ташкилий савиясини юксак баҳолади. Унинг сўзларига кўра, бундай тадбирлар сайёҳлик ва бутун мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга замин яратади.

Учрашувда Қозоғистоннинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан ҳамкорлигини кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди. Мамлакатнинг сайёҳлик салоҳияти ва халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилаётган аниқ ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Akorda.kz.

V Бутунжаҳон Кўчманчилар ўйинлари кундалиги

БАЛЛИ, ПОЛВОНЛАР!

ҚОЗОҒИСТОН ПОЛВОНЛАРИ КЎЧМАНЧИЛАР ЎЙИНЛАРИДА УЧИНЧИ ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ



V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларида қозоғистонлик полвонлар қозок кураши бўйича учинчи олтин медални қўлга киритди.



Унда 52 килограмм вазн тоифасида Назерке Азаматова ғалаба қозонди. У финалда ўзбекистонлик Сайёра Муродовани мағлуб этди.

Муқаддам хотин-қизлар ўртасида 48 килограмм вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Айжан Жилқибаева, эркеклар ўртасида эса 55 килограмм вазн тоифасида Бекжан Тўлепов V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинлари чемпиони бўлган эди.

V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларининг финал босқичига йўлланма олган қозоғистонлик уч нафар спортчи ҳам миллий спортнинг ағдаримоқ тури бўйича олтин медални қўлга киритишди. Улар – Ермек Қуралбай, Алмат Латипбек ва Дарин Уткелбай.

Шу билан бирга, қозок курашидан “Қара бура” лақаби билан машҳур Нурдаулет Жарилғапов Қозоғистон терма жамоасига навбатдаги олтин медални тақдим этса, спортнинг ушбу туридан хотин-қизлар ўртасида ўтказилган мусобақада ҳамюртимиз Зарина Сарипова навбатдаги олтин медални қўлга киритди.

	Мамлакатлар	Олтин	Кумуш	Бронза	Жами
1	Қозоғистон	21	10	17	48
2	Қирғизистон	7	9	7	23
3	Ўзбекистон	7	8	9	24
4	Россия	4	4	13	21
5	Можористон	1	1	5	7

ШИФОХОНАЛАРДА FACE-ID ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

ҚР Соғлиқни сақлаш вазири Ақмарал Алназарова “24 KZ” телеканалига берган музоҳабасида соғлиқни сақлаш тизимида хизматларни қалбакилаштириш (сохта ҳужжатлар тўлдирини)нинг олдини олиш мақсадида кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида маълум қилди.

Сохта ҳужжатларга қарши курашда асосий восита рақамли технологиялар, жумладан, беморларга тиббий хизмат кўрсатиш фактини тасдиқловчи face-id тизимини жорий этиш бўлади.

Вазирлик Астана шаҳрида республика поликлиникаси базасида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тажриба лойиҳасини ишга туширди. Лойиҳа доирасида беморлар face-id ва веб-камера ёрдамида идентификация қилинади, бу эса уларга кўрсатилаётган хизматлар ҳақида маълумотларни сохталаштиришнинг олдини олади.

Идентификациянинг биометрик тизими кўрсатилаётган хизматларни тўғри рўйхатга олишни таъминлайди, бу эса беморларнинг шифокорга ташрифи тўғрисида ёлгон хабарлар ёзишга йўл қўймайди ва шунга мос равишда суғурталанган фуқароларнинг бюджет маблағлари ва бадалларининг ортиқча сарфланишининг олдини олади.

24.kz.



Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 12 сентябрь, пайшанба, №101 (3447).

Жараён

ҒАЛЛА – ЭЛНИНГ РИЗҚ-НАСИБАСИДИР

Давлат раҳбари Қўстанай тумани, Майкўл қишлоғидаги «Надеждинка» МЧБда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан учрашди.

Қ. Тўқаевга вилоят ҳокими Қумар Ақсақалов минтақада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида маълумот берди.

Унинг айтишича, жорий йилда деҳқонлар 5 миллион гектар майдонга экин экишган. Машина-трактор паркни янгилаш, элита уруғлик ғалланинг улуши ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш кўзда тутилган.

Давлат раҳбарига вилоятда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш борасида ҳам маълумот берилди.

Жумладан, яқин уч йилда 14та сутчилик фермасига сармоя жалб этилади. 44та чорвачилик мажмуаси, иккита йирик паррандачилик фабрикаси барпо этилмоқда.

Ушбу лойиҳалар ҳисобидан вилоятда сут ва гўшт етиштириш ҳажми 1,4 баравар, парранда гўшти етиштириш эса 5 баравар кўпаяди.

Бундан ташқари, қатор сармоjavий лойиҳаларни амалга



ошириш натижасида уч йил мобайнида чуқур қайта ишланган маҳсулотлар улушини 70 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Президент “Надеждинка” МЧБ далаларида бўлиб, қишлоқ хўжалиги меҳнатқашлари билан суҳбатлашди.

Давлат раҳбари ғалла ҳосилини ўз вақтида йиғиб олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, аграр соҳага янги технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ерларидан мақсадли фойдаланиш муҳимлигини таъкидлади.

Akorda.kz.

ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСINI ЎТКАЗДИ

Мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан Бош вазир ўринбосари – миллий иқтисодиёт вазири Нурлан Байбазаров, Мудофаа вазири Руслан Жақселиқов, Саноат ва қурилиш вазири Қанат Шарлапаевнинг ҳисоботлари тинланди.

Хавфсизлик кенгаши давлатнинг ҳарбий салоҳиятини ошириш ва армияни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, шу жумладан ички мудофаа корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қуроллар билан таъминлаш

бўйича таклифлар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Бундан ташқари, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг бошқа муҳим йўналишлари кўриб чиқилди.

Ийгилиш якунида Хавфсизлик кенгаши раиси – ҚР Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Қасим-Жўмарт Тўқаев томонидан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида келгуси ишларни ташкиллаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

Akorda.kz.

БУНЁДКОРЛИК – ВАТАН ОБОДЛИГИ

Туркистон вилоятида барпо этилаётган ҳар бир янги иншоотнинг меъморий лойиҳалари ййгилишларда мунтазам муҳокама қилинмоқда. Навбатдаги ййгилишда 14та лойиҳа меъморлар, масъул раҳбар ва мутахассислар томонидан кўриб чиқилди.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Туркистон шаҳрининг бош режасига аниқлик киритиш, ижтимоий ва сайёҳлик иншоотлари ҳамда уй-жой биноларини қуриш бўйича таклифларни тинглаб, тегишли вазифаларни адо этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

– Вилоят марказини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари узвий давом этмоқда. Қурилаётган иморатларнинг барчаси Ўрта Осиё услубида, яъни кўҳна даврдаги меъморчилик намуналари асосида барпо этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз кўркам ва аҳоли учун қулай бўлиши керак. Ер билан таъминланган сармоядорлар тезда ишга киришишлари даркор. Агар қурилиш ўз вақтида бошланмаса ва кечикса, ер участкаси қайтариб олинади, – деди Дархан Сатибалди.

– Туркистонни қадимдан Шарқ гавҳари дейишади. Бу ерга келган ҳар бир сайёҳ ўзи излаган, кўмсаган гўзалликни топган. Туркистон қадимий меъморчилик



иншоотларига, тарихий ёдгорликлар, обидалар, аجدодлардан мерос бунёдкорлик намуналарига, асори-атиқаларга бой шаҳар, – деди ййгилишда сўзга чиққан



бормоқда. Уни мажозий маънода мозий ва бугуннинг ўртасидаги кўприкка қиёс қилиш мумкин. Уни бугун том маънода кўҳна ва навқирон Туркистон десак, тўғрироқ бўлади.

Ийгилишда Дўмалақ она ва Гавҳар она мақбаралари атрофидаги худудларни ободонлаштириш, эшак эшиш канали бўйида иншоотлар барпо этиш, Тўлебий туманида этносайёҳлик майдон очиш ва бошқа лойиҳалар ҳам муҳокама қилинди.

Қурилаётган иншоотларнинг сифати ва меъморий қиёфаси доимий назоратда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ПУХТАЛАНДИ

Жорий йилда вилоятимизда 106,4 минг гектар майдонга пахта экилди. Тахминан 300 минг тонна ҳосил олиш режаланган. Мазкур масала вилоят ҳоқими Дархан Сатибалди раислигида ўтган мажлисда муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари пахтачиликда янги технология ва усулларни жорий этиш ишларини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Маҳсулот сифатини ошириш мақсадида бу йил янги усулда 2,5 минг гектар майдонга ғўза экилди. Сувни тежаш технологияси самарадорлигини исботлади. У сув, электр қуввати, меҳнат захиралари ҳамда минерал ўғитларни тежаб, гектардан 60-65 центнердан ҳосил

олиш имконини берди. Бу вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан 2,5 баравар юқори.

Қозоғистонда етиштирилган пахта толасининг сифати паст. Шу боис, у жаҳон бозорига талабга эга эмас. Янги технологияни жорий этиш нафақат ҳосилдорлик, балки пахта то-

ласининг сифатини яхшилади. Умуман, минтақада пахтачиликни ривожлантиришга доир бир неча пахта-тўқимачилик кластери барпо этилмоқда. Лойиҳани тўлиқ амалга ошириш натижасида пахта хомашёсининг аксарият қисми қайта ишланади ва пахта баҳоқисига қарамлик тўлиқ бартараф этилади.

Янги технологик усулнинг самарадорлиги исботланди – чигит тез илди ёйиб, ҳосил эрта пишиб етилади. Томчилатиб суғориш натижасида ҳосилдорлик камида икки бараварга

ошади. Шу боис пахтакорлар янги инновациявий усулга ўтиш ниятида. Бу агросоҳага жўшқинлик беради. Шунингдек, вилоятда пахтани чуқур қайта ишлайдиган кўп соҳали мажмуалар ва корхоналар барпо этилиб, тайёр маҳсулотни экспортга чиқариш режаланмоқда. Шу билан бирга, юпқа матодан тикилган кийимлар ва юқори сифатли тўқимачилик буюмларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Вилоят ҳоқимининг
матбуот хизмати.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз

500га ЯҚИН ИНШООТ ҚУРИЛМОҚДА

Вилоят таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий иншоотларни қуриб, фойдаланишга топширишдан республикада етакчи. Ҳар бир туман, шаҳардаги аҳоли манзилларининг ҳолати таҳлил қилиниб, тегишли қурилиш ишлари жадал ва тизимли олиб борилмоқда. Мазкур соҳадаги ишлар вилоят ҳоқимининг девон йиғилишида яна бир бор сарҳисоб қилинди.

Вилоят ҳоқими Д. Сатибалди жорий йилга режаланган иншоотлар қурилишини ўз вақтида ва сифатли яқунлашни топширди.

Вилоят қурилиш бошқармаси раҳбари Тўқтар Усубалиевнинг айтишича, қурилиш бошқармаси ва туман-шаҳар ҳокимликларининг буюртмаси билан амалга оширилган бюджет-сармоя лойиҳалари сони – 485та. Унинг 22таси фойдаланишга топширилган. Агар маблағ масаласи тўлиқ ҳал этилса, йил охиригача яна 396та иншоотнинг қурилиши яқунланади, 67таси эса 2025 йилга ўтади. Минтақада 21та таълим муассасаси қурилиши бошланиб, улардан 4таси фойдаланишга топширилди. Йил охиригача 10та таълим муассасаси фойдаланишга топширилади, 7таси келгуси йилга ўтади.

Соғлиқни сақлаш тизимида 94та иншоот қуриш режаланган бўлса, унинг 3таси фойдаланишга топширилган, йил охиригача яна 90таси фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Дарвоқе, «Қишлоқ соғлиқни сақлаш соҳасини янгилаш» миллий дастури доирасида 49та лойиҳа амалга оширилмоқда. Вилоятда 3та маъмурий бино қурилиши яқунланса, йил охиригача яна учтаси фойдаланишга топширилади. Шунингдек, қурилиши юритилмаётган 12та маданий иншоотдан 4таси бу йил очилса, 23та спорт иншоотидан 3таси фойдаланишга топширилади. Йил охиригача яна 10та спорт иншооти тақдим этилади.

Уй-жой ва инфратузилма билан таъминлаш ишлари ҳам қизгин. Минтақада 221та уй, 2469та хонадоннинг қурилиши юритилмоқда.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

ИССИҚЛИК МАРКАЗИ ТУБДАН ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Кентов шаҳридаги иссиқлик электр марказлари тубдан таъмирланмоқда. Вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов Кентов шаҳрида хизмат сафари билан бўлиб, тубдан таъмирланаётган 5-иссиқлик электр марказидаги ишларни кўздан кечирди.

Бугунги кунда 7,8,9,10,11,12-қозонхоналарда янгилаш ишлари юритилиб, 7,12-қозонхоналардаги ишлар ноябрь ойининг охиригача тугатилади. 8,11-қозонхоналарда монтаж ишлари ниҳоясига етказилди. 9,10-қозонхоналардаги таъмирлаш ишларини сентябрь ойи охирида ниҳоясига етказиш режаланган.

Марказлардаги ишларни назорат қилиш давомида Зулпихар Жўлдасов мутасаддиларга аниқ кўрсатмалар берди.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.



»» Брифинг

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Вилоятимизда Фавкуллода вазиятлар департаментининг ташаббуси билан 15 августда бошланган «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» 5 октябргача давом этади. Шу мақсадда шаҳар ва туманларда махсус ишчи гуруҳлари тузилган. Улар аҳолига ёнгин хавфсизлигига риоя қилиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Бу ҳақда вилоят ФВДнинг Давлат ёнгин назорати бошқармаси раҳбари ўринбосари Нурбўлат Педен маълум қилди.

– 2023-2024 йилги иситиш мавсумида вилоятимизда 201та ёнгин ҳолати рўйхатга олинди. Моддий зарар – 286 млн. 577 минг тенгени ташкил қилди. Ёнгиннинг 53 фоизи хусусий уйларда рўй берган. Уларнинг аксарияти электр ускуналарини ўрнатиш ва

фойдаланиш қоидаларини бузиш, жумладан, электр симларининг эскириши туфайли рўй берган. Шу муносабат билан бошқарма томонидан 26380та хонадон кўздан кечирилиб, тушунтириш ишлари юритилди. Бундан ташқари, ёнгиннинг олдини олиш мақ-

садида вилоят ҳудудидаги бийбордларга видеоназоратлар жойлаштирилди, ОАВда ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, – деди Н. Педен.

Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.



Қишлоқ аҳолисини оммавий спортга жалб этиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида барпо этилган майдонга «Бирлик» номи берилди. Майдон қурилишига туман бюджетидан 14 млн. тенге ажратилди.

Янги майдоннинг очилиш маросимида туман ҳоқимининг ўринбосари Сержан Дуйсебаев, маслаҳат раиси Нурлан Қуйбагаров, Киелитас кишлоғи ҳоқимининг ўринбосари Наби Садиқбеков ҳамда туман фаоллари иштирок этдилар.

Спорт майдонида ўтган дастлабки тадбир – болалар ўртасидаги футбол мусобақаси «Султонработ» ўрта мактабига кўп йиллар раҳбарлик қилган устоз-мураббий Ирисмат Тўйчиев хотирасига бағишланди.

– Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она

ОММАВИЙ СПОРТ – ОММАВИЙ СИҲАТЛИК

ТўЛЕБИЙ ТУМАНИНИНГ СУЛТОНРАБОТ ҚИШЛОҒИДА
СПОРТ МАЙДОНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш тадбирларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга

йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, – деди С. Дуйсебаев. – Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, туманимизда ҳам оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти,

унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғибот-ташвиқот қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни зарарли оdatлардан асраш, уларга ўз қобилият ва истеъодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда мақсадли тайёрлаш тизими такомиллаштирилмоқда. Спорт байрами билан қишлоқ аҳлини табриклайман.

Қозоғистонда хизмат кўрсатган мураббий Бўлат Абдуллаев сўзга чиқиб, Султонработ қишлоғидан кўплаб кучли футболчилар етишиб чиққанини таъкидлади ва бу ишга ҳисса қўшаётган спорт жонқуяри Баҳодир Юнусовга миннатдорчилик билдирди.

Тадбир сўнггида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ёрдам бераётган фуқароларга туман маслаҳати ва қишлоқ ҳоқимининг ташаккурномаси, футболдан ўтказилган очиқ турнир натижалари бўйича ғолиб жамоаларга мукофотлар топширилди.

Отабий РАҲИМҒОЗИЕВ.

»» Президент Мактуби – амал дастури

ЁРҚИН ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАГАН ҲУЖЖАТ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг навбатдаги Мактуби миллат саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни улуглаш, тадбиркорлар ва хорижий сармоядорларни ва «Қишлоқ омонати» лойиҳаси доирасида қишлоқ аҳолисини қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини экологик омилларнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик билан боғлиқ янги меъёрлар ва қоидаларга доир муҳим масалаларни ўз ичига олган.

Халқни ташвишлантираётган долзарб масалалардан бири – ижтимоий соҳада кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Яъни, ҳозирда бюджетнинг ярмидан кўпи шу мақсадга йўналтирилган. Серфарзанд оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда, бола парварлиши муддати бир йилдан бир ярим йилгача узайтирилди. Шунингдек, жорий йилдан эътиборан зарарли меҳнат шароитларида ишлайдиган фуқароларга махсус тўловлар берилмоқда. «Миллий жамғарма – болаларга» лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилиб, 7 миллион боланинг ҳисоб-рақамига жами 300 миллиард тенгедан зиёд маблағ ўтказилди.

Давлат раҳбари сўнгги йилларда амалга оширилишига доир масала ва муаммоларга тўхталибгина қолмай, балки уларни ижобий ҳал этиш йўлларини кўрсатиб, аниқ топшириқлар берди. Энди буларнинг барчаси тегишли идораларнинг назоратида бўлади. Аниқ мақсадлар сари олға интилган мамлакатнинг раънаки йўлида жонбозлик кўрсатиш ҳар бир қозоғистонликнинг фуқаролик бурчидир.

Эркин АДАҲАМОВ,
3-сонли Ҳамза номли умумий
ўрта мактаб директори.
Сайрам тумани.


ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ – ОЛИЙ МАҚСАД

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг халққа йўллаган «Адоллатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик» номили Мактубини диққат билан ўқиб чиқиб, унда белгиланган мақсадлар, ёрқин келажакка эришиш учун амалга ошириладиган вазифалар билан яқиндан танишиб чиқдик. Анъанага кўра, ушбу Мактубда ҳам мамлакатимизнинг тараққиёти этган давлатлар қаторига кириши йўлида амалга оширилиши муҳим бўлган ишлар сарҳисоб қилинди. Фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришига замин яратадиган улкан вазифалар батафсил баён этилди.

«Меҳнатининг давлат даражасида баҳолашни барча касб-хунар соҳибларига алоҳида илҳом бағишлайди, меҳнат одамининг кадр-қиммати ва обрўсини оширади», деди Давлат раҳбари. Албатта, ҳар бир ташкилот ва корхонада етуқ мутахассислар, ўз касбининг усталари, фидойи инсонлар кадрланса, жамоадаги муҳит ҳам ижобий бўлади. Бу эса, ўз навбатида иш сифатига бевосита таъсир кўрсатади.

Президентнинг «Биз осойишта, адолатли ва барқарор жамият барпо этишни давом эттирамиз», деган сўзлари ҳар бир фуқаронинг фарзанди келажакка ишонч билан, дадил қадам ташлаш зарурлигини англатади. Бундай мамлакат эса, албатта, ўз мақсадларига эришади.

Дилдора СОТИБОЛДИЕВА,
М. Маметова номли 111-сонли умумий
ўрта мактаб директори.



»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Ўзбекистон Республикасидаги "Ватандошлар" жамоат жамғармаси томонидан хорижий мамлакатларда истиқомат қилувчи ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун иншолар танлови эълон қилиниб, ғолиблар Тошкент шаҳрига малака ошириш курсига таклиф этилди. Бу, биз ўқитувчиларни жуда руҳлантирди.



Мен ҳам "Ўқитувчи – инсон руҳиятининг меъмори" мавзусидаги иншо билан танловда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдим ва Тошкент шаҳридаги малака ошириш курсига йўланма олдим.

Курс саккиз кун давом этди ва биз белгиланган дастур асосида юқори малакали профессор-устозлар маърузаларини тинглаб, машғулот, тақдиротларда иштирок этдик, катта маънавий озуқа олдик.

Курснинг очилиш маросимида "Ватандошлар" жамоат жамғармаси раиси Одилжон Сатторовнинг бизни очик чеҳра билан қарши олиши, миллийликка йўрилган таъсири маърузаси билан қалбимизда муҳрланди. Ҳақиқатда "Миллат устози

қандай бўлмоғи керак?", "Она тилининг софлигини сақлаш учун нималарга эътибор қаратмоғимиз керак?", "Миллий руҳни тарбиялаш керами ва нима учун?" каби мавзуларга тўхталдик. Устозларимиз М. Ҳакимова, Н. Жабборов, Б. Қодиров, Ҳ. Йўлдошев, Х. Дадабоев, К. Мавлонова каби тил ва миллат жонқуярларининг сабоқлари бири-бирдан мазмунли ва маънавиятга бой бўлди.

Замонавий ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда янги усуллар, замонавий ёндашувлар, бола тарбияси масаласи, ота-она ва мактаб, дарсликлар, адабий китоблар, интернет ва ўқувчи мавзусидаги маърузалар янги ўқув йили арафасида устоз-муаллимларга катта ёрдам

бўлди. Шоир Ёрқин Абдуллаев ғолиб устозларни қутлаб, ҳар биримизга 27 жилддан иборат китоб совға қилди, севимли шоиримиз Иқбол Мирзонинг ташрифидан бошимиз кўкка етди. Машғулотлардан сўнг Абдулла Қодирий уй-музейига, Технопаркка, Муқимий номидаги давлат театри, Темурийлар музейи, Адиблар хиёбони, Самарқанд шаҳрига уюштирилган саёҳатлардан маънавий озуқа олдик. Сафарлар бизни янада руҳлантириб, ватанпарварлик хиссини кучайтирди, кўнглимизни фохрга тўлдирди.

Машғулотларнинг ёпилиш маросимида жамғарма томонидан курс иштирокчиларига ўзбек миллий қолғу асбоблари тақдим этилди.

Хуллас, бу курс мен учун ноёб маънавий хазина ва ширин хотира бўлиб қолди. "Ватандошлар" жамоат жамғармаси ташкилотчиларига бизга ҳурмат-эҳтиромлари ва эътиборлари учун чексиз миннатдорчилик билдириб, фаолиятига муваффақият, ўзларига мустақкам соғлиқ тилаб, миллат ва тил равижи йўлида кўрсатаётган жонбозликларини юксак баҳолаймиз.

**Фотима РАЙМОВА,
Маҳмуд Қошғарий
номли мактаб-
лицейининг ўзбек тили ва
адабиёти ўқитувчиси.**

Кентов шаҳри,
Қарноқ қишлоғи.

«ОНА ТИЛИМ – ИФТИХОРИМ!»



Республика миқёсида «Давлат тили – Қозоғистон халқларини бирлаштирувчи тил» мавзусидаги байрам «Қарноқ» умумтаълим мактабида ҳам кенг нишонланди. 8-синф ўқувчилари иштирокида «Она тилим – ифтихорим!» деб номланган беллашув ташкил этилди.

Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Дилшод Отаматов тадбирни очиб, иштирокчиларга омад тилади.

**Она тилим – юрак қаттидан,
Меҳр бўлиб сочилган жаранг.
Қулгоғимга гўдак пайтимдан,
Алла бўлиб сингиган оҳанг.**

Тадбирда Гўзал Ўринбоева, Хуринисо Солиева, Шаҳноза Саъдуллаева, Гулноза Сайдуллаева, Руҳшона Шухратова, Чарос Раҳматуллаева, Одина Турсунматова, Диана Сайфуллаева, Нозли Собиржонова, Хонзода Сайдуллаевалар фаол иштирок этишди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари – ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Насиба Маликова, Шаҳноза Исҳоқова ва инглиз тили ўқитувчиси Дилфуза Абдуқодировалар одилона баҳолаб боришди. Мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Маҳсуда Абдусодиқова ғолиб ўқувчиларга мактаб маъмуриятининг фахрий ёрликларини топширди.

Беллашувга қизларимизни тайёрлаган ва тадбирни олиб борган ўзбек тили ва адабиёти муаллималари Ҳаётхон Эргешова ва Ирода Эрметоваларга ҳам мактаб маъмурияти алоҳида миннатдорчилик билдирди.

«Қарноқ» умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фан бирлашмаси аъзолари.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

»» Заковатли миллат

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги А. Байтурсинули номли умумий ўрта таълим мактабида 5 сентябрь – Қозоғистон халқи тиллари байрами доирасида қозоқ тили ва адабиёти фан бирлашмаси ташаббуси билан "Тил – миллат таянчи" мавзусида фан ҳафталиги ўтди. Тадбирнинг очилиш маросимида мактаб муассиси, Қозоғистоннинг фахрий қурувчиси Низомхон Сулаймонов ва муассаса директори Лариса Сиротина иштирок этиб, барчани байрам билан қутлашди.

Тасдиқланган ҳафталик режа доирасида А. Байтурсинулининг ҳаёти ва ижоди ҳақида "Миллатнинг улуғ устози" мавзусидаги кўргазма намойиш этилиб, "Тил – дўстлик таянчи" тантанали йиғилиши уюштирилди. Шунингдек, "Давлат тили – менинг тилим" мавзусида репортаж, "Тил мақоми – эл обрўси" мавзусида тарбиявий

ТИЛЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ



соатлар, халқ устози меросини ўрганишга йўналтирилган "Китобхон авлод" мавзусидаги китоблар тақдими, 6-синф ўқувчилари

ўртасида "Ахмет – халқ устози" мавзусида заковат ўйинлари, 8-9-синфлар орасида "Тилим бор экан, хаёлимдаги сир айтилар" мавзусида эссалар танлови ўтказилди.

Бундан ташқари, 7-11-синф ўқувчилари "Турар Рискулов – тарихий шахс" мавзусида ўтказилган умумреспублика очик диктантда фаол иштирок этдилар. Мазкур тадбирларни юксак савияда уюштириш ва ўтказишда мактаб маъмурияти, тилшунос олимлар, шунингдек, қозоқ тили ва адабиёти фан бирлашмаси аъзолари фаоллик кўрсатишди.

**Матлуба СУЛТОНОВА,
Дурдона НИЁЗМАТОВА,
қозоқ тили ва адабиёти
муаллималари.**

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

ДАВЛАТ ТИЛИ – ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ТИЛ



Қозоғистон халқи тиллари кунни тотувлик ва барқарорлик, ҳамжиҳатлик ва бирлиكنи ширин деб билган ордиқ миллат ва элатлар яшаган мустақил мамлакатимиз учун аҳамияти бекиёс байрам. Муқаддам 22 сентябрда нишонланган байрамнинг 5 сентябрга ўтказилиши тарих нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Тил сибёсатини такомиллаштириш, давлат тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш мақсадида Жетисай тумани маданият, тилларни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт бўлимининг "Тилларни ўргатиш ва ривожлантириш маркази" ташаббуси билан "Жетисай"

маданият уйида "Давлат тили – Қозоғистон халқини бирлаштирувчи тил" мавзусида тадбир ўтди.

Йиғилишда туман ҳокимлиги девони раҳбари Есенкелди Алданиязов ва туман маданият, тилларни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт бўлими раҳбари Еркебулин Сейдалиев, "Тилларни ўргатиш ва ривожлантириш маркази" директори Қурманбек Рисмаханов ҳамда вилоят тожик этномаданият бирлашмаси раиси Йўлдош Султонов, тил жонқуярлари ҳамда туман аҳолиси иштирок этди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Ёднома

Ўранғай қишлоғининг фаол зиёлиси, бийлар кенгаши раиси Абдумуталлиб Носиров "Жанубий Қозоғистон" газетаси обунасида намуна бўлиб баробарида кўплаб хайрли ишларни амалга оширган эди.

Хусусан, ҳамқишлоғи С. Бобохоновнинг уйи ёниб кетганида биринчилардан хонадонидан кийим-кечак, озиқ-овқат етказиб берган. Қиш-

субот йиғилишида кўтарган эди. А. Носиров вазминлик ва изчиллик билан йил сайин масала ижобий ечимини топгунча ушбу мавзунини кўтаришдан чарчамади. Қишлоқ ҳокими Сиздиқ Пирметов, вилоят етказиб берган. Қиш-



лоқнинг юқори қисмида жойлашган маҳаллалар аҳолиси номидан юздан зиёд хонадон фарзандлари қишин-ёзин 3-5 қақирим масофага қанаб ўқиши муаммосини кўтариб, янги мактаб қуриш таклифини илқ бор 2008 йили қишлоқ ҳокимлигида ўтган ҳи-

субот йиғилишида кўтарган эди. А. Носиров вазминлик ва изчиллик билан йил сайин масала ижобий ечимини топгунча ушбу мавзунини кўтаришдан чарчамади.

Қишлоқ ҳокими Сиздиқ Пирметов, вилоят етказиб берган. Қиш-

Зулпархон Чолдоновлар билан елиб-югурди. Мактабни қуриш учун зарур ер участкаси йўқлиги маълум бўлган эса ҳамқишлоғи, ўқитувчи Аширбой Манноповни ўз ер улушини беришга кўндириб, улкан савобга дохил бўлди. Мана, 2024 йили, орадан 16

йил ўтиб, ҳожи ота орзу қилган, мактаб фойдаланишга топширилди.

Эндиликда юзлаб ўқувчилар илгаридек, олида эмас, ўз маҳалласидаги билим масканида таълим олади. "COVID-2019" пандемияси вақтида оламдан ўтан Абдумуталлиб Носировнинг охирати обод бўлсин!

Инсон авлоди билан барҳаёт, дейди доно халқимиз. А. Носиров умр йўлдоши, Қаҳрамон она Фотима Ҳожи ая билан етти нафар қобил фарзандни вояга етказиб, билимни, ҳунарни қилди. Жажжи ўқувчи Аъзамбек Абдумуталлибоев бобосининг ташаббуси билан қурилган янги мактабда билимлар кунини тантанасида биринчи кўнгируқни чалгани ҳам рамзий маънога эга. Марҳумнинг фарзандлари – Бобир, Миркомил, Мирҳайдар, Азизлар ҳамкасблари билан икки қаватли мадраса қурилишини жадал давом эттиришмоқда. Ушбу ҳидоят илми маскани ҳимматли инсонлар кўмағида ҳашар усулида А. Носи-



ров барпо этган масжид ёнида қад ростламоқда.

Маърифат парвар А. Носиров ҳаёт бўлганида 15 сентябрда 77 ёшни қаршилаган бўларди. У "Жанубий Қозоғистон" газетаси таҳририяти ташкил этган вилоят танловида биринчи ўринни эгаллаб, "Қуръони карим" китоби билан тақдирлангани ҳам шонли тарих.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Абдумуталлиб Носиров, умр йўлдоши Фотима ая невараси Аъзамбек, устози Ирода.

»» 12 сентябрь – Оила куни!



ОИЛА ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН!

Оиланинг жамиятдаги мавқеини ошириш ва маънавий қадриятларни улуғлаш мақсадида Тўлебий туман «Ёшлар имконият маркази» томонидан ташкил этилган ҳамда Бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлими «Ижтимоий-руҳий қўллаб-қувватлаш хизмати» томонидан «Баракали чанғароқ» мавзюда маърифий тадбир ўтказилди.

Учрашувда «Бағлан-грууп» жамоат жамғармаси раиси А. Курбанов, педагогика фанлари магистри, амалиётчи руҳшунос А. Турсинбаева, «Ижтимоий тараққиёт ва руҳий ёрдам» кафедраси руҳшуноси Ж. Умиртаева ҳамда ёш оилалар иштирок этишди.

Тадбирни очган маърузачи А. Курбанов қозоқ халқининг асл фарзанди Бауржан Мўмишулининг бир асаридан иқтибос келтирди. «Ёвдан кўрқмаган мард қозоқ эдим. Энди кўрқатадиган жиҳатлар кўпаймоқда. Биринчиси – болаларни бешикка беламайдиган ва бешиги йўқ халқдан кўрқаман. Иккинчиси – фарзандига алла айтмаган оналарнинг камайиб бораётганидан кўрқаман. Учунчиси – миллий урф-одатларимизни ва катталарни хурмат қилмайдиган болалар ўсиб келмоқдаки, уларнинг қўлига қилч берсанг, кўринганни чиқиб ташлашга тайёр. Қўлига китоб олмайдиган, фарзандига одамийликни ўргатадиган ота йўқ, мен шундан ҳам кўрқаман», деган экан. Яна қозоқ халқига бир фотиҳа бор, «Кўра тўла қўй бер, бешик тўла бола бер, у болага фароқ бер, фаросат бермасанг, қайтариб олавер». Боболар мероси, фарзандлар тарбиясига эътибори бу сўзларда намоён, зеро оилада бола эмас, келажак авлод тарбияланади.

Маъруза бўйича фикрини билдирган нафақадаги устоз А. Асанов юртимизда фаровон яшаш учун барча имкониятлар мавжудлиги, фақат олға интилиш ва меҳнат қилиш зарурлигини таъкидлади.

– Мақсадимиз – тотувликда фаровон яшаш, – деди у. – Мен ҳам мана шу мустақил диёрда қалби бегубор, оқ кўнгли инсонлар орасида яшаётганимдан фахрланаман. Илоҳим, бу юртга ҳеч қачон кўз тегмасин! Халқимиз орасидаги ўзаро аҳиллик, айниқса, байрамларда, юртимизда нишонланадиган тантанали маросимлар ва сайилларда ўзининг бутун бир жозибаси билан намоён бўлади, бундай кунларда улар турли либослар, тиллар ва оҳангларида ўзларининг шуқроналик туйғуларини, шу муқаддас заминга меҳру мухаббатларини ўзларининг қуй ва қўшиқлари билан ифода этадилар. Шундай пайтларда юртдошларимиз 130 миллатга бошпана берган Қозғистонимиз ҳақиқий тинчлик, дўстлик, бағрикенглик, бирлик ва ҳамжиҳатлик мамлакатга эканлигини яна бир карра намоён этадилар. Байрам кунларида шоду хуррамлик билан турли миллат вакиллари иштирокида ўтаётган шодиданларни айтмайсизми.

– Тўлебейликлар ҳам Ватаннимизда истиқомат қилиб турган барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқлиқликни кафолатлаб, уларнинг тили, маданияти ва анъаналарининг ривожланиши учун кенг шароит ва имкониятлар йўлини очиб берган шарафли истиқлолимизнинг муҳим тимсолларидан бири эканлигини чуқур англаб етмоқдалар. Бу эса, аввало, кўп миллатли халқимиз руҳиятида, Президентимиз таъбири билан айтганда, тили, дини, этноқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафқурвий, ғоявий ва ахборий хуружларни назарда тутуш, маънавий таҳдидларга кескин зарба бера оладиган муқаддас туйғуларнинг устуворлигидан далолатдир, – деди туман славян этномаданият бирлашмаси раисаси С. Шишкина.

Тадбирда туман ҳокими вазифасини бажарувчи С. Дуйсебаев бир гуруҳ фаол ёшлар ва кўнгилчиларга миннатдорчилик билдириб, ташакурномалар топширди. Бу ишдаги фаоллиги учун жорий йилда 25 йиллигини нишонлаётган туман немис этномаданият бирлашмаси вакиллари фахрий ёрликлар ва эсдалик сөөгаларини топширди.

– Қозғистон ўз истиқболини ёшларда кўриши жамиятимиз олдида ҳам улкан вазифаларни қўядики, бу шарафли юмуш муҳим ижтимоий қатламнинг ижтимоий қиёфаси, тавсифини, феёли, орзу-ниятлари ҳақида доимо бохабарлиқни таъминлашдан ташқари улар фаолиятини эзулиққа йўналтириб туриши, натижада эса баркамол авлод тарбиясига ҳисса қўшишдан иборатдир. Уларни ҳар томонлама комил инсонлар сифатида тарбияласагина, дунёда юртимизнинг иқтисодий, сиёсий ўрни юксалишига эришамиз. Шу боис Давлатимиз раҳбари «Биз истеъодли, фидойи фарзандларимизга билим ва касб қўшиқларини заёт этиши учун қанот беришимиз керак», деган эди. Тарбиянинг бош мақсади жамиятда онгли ҳаёт кечириш юксак маданий-заковат ҳамда фаровон муҳитни тарқитишга йўналтирилган. Таълим тизимидаги янги миллий моделimiz жамиятдаги салохиятли кулларни рўёбга чиқаришга мўлжалланган. Бироқ, бирор нарсадан натижа кутишдан аввал, биз ўша нарсани чуқур англаб, масалага илмий-амалий ёндошимиз даркор. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ёшларнинг феёл-атворида ижтимоий мойилликнинг сусайиб йўл қўймаслик муҳимдир, – деди у. – Барчамизга аёнки, қаерда бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Шундай экан, ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон орқали маънавиятни қудратли кучга айлантирайлик.

А. АБДУФАТТОҲ.



МАДИЁР ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАДИ!

Таниқли бизнесмен ва таълим фидойиси, Қўстанай муҳандислик-иқтисодиёт университети таъсисчиси Мадийр Юнусовни иқтисод йўналишида PhD доктори даражаси бўйича диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиши муносабати билан чин дилдан муборакбод этишимиз.

Ёш олимларимиз сафи кенгаймоқда. Мадийр республикамизда олий таълим борасида кўп ишларни амалга ошириб, Ватаннимизда кадрлар тайёрлаш бўйича давлат дастурига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг келгуси ишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Саид ХАЙРУЛЛОҚ.

»» Саховат

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Қорабулоқ қишлоғидаги «Изюм» истироҳат боғида «Мактабга йўл» тадбири ўтди. Мазкур тадбирга «Сахий» жамоат жамғармаси ҳамда қишлоқ хотин-қизлар кенгаши аъзолари ташаббускорлик қилиб, боқувчисини йўқотган 30 нафар ўғил-қизларга кийим-кечак ва мактаб учун зарур ўқув қуроллари тақдим этдилар.

Тадбирда «Сахий» жамоат жамғарма аъзолари Илҳомжон Абдукаримов, Сайёра Шукурова ва Дилнура Оботвалар сўзга чиқиб, жамоат бирлашмаси директори Отабек Эркиновнинг табриклирини етказишди.

Истироҳат боғида болалар учун турли ўйинлар уюшти-



рилиб, хонанда Зардиёна Иззатуллаева ижросидаги кўшиқлар янгради.

Айнан шундай тадбир Сайрам тумани миқёсида ҳам ўтказилиб, унда 150дан зиёд ўқувчи мактаб учун зарур ўқув-қуроллари билан таъминланди.

И. АБДУКАРИМОВ,
Сайрам тумани.

АТЛАС КИЙИБ ЮРИНГ, ҚИЗЛАРИМ!

Атлас газламаси машаққатли меҳнат меvasидир. Аввало, ипак курти тут баргини еб, ипак ўрайди. Сўнг ипаклар дастгоҳларда турли ранга бўйлади. Рассолар турли безак бериб, станокларда атлас тўқилади. Атласнинг макони Марғилон шахрида. Бу газламанинг номлари ҳам турлича айтилади, айниқса, хонатлас авваллари ҳар бир қизнинг сарполарида бўларди. Хонатласни ўтмишда хон ва бекларнинг оила аъзоларидаги қиз-келиндар кийишган.

Бугунги замон қизлари нега атлас киймайди? Уларнинг кийган либосларидан ҳайратланасан, киши. Мода кетидан қувишади, ярашадими, йўқми, фарқи йўқ. Инсоннинг ташқи кўриниши, кийинишига қараб, унинг феёл-атвори, таъби қандай эканлигини билишингиз мумкин. Бугунги кунда ўзбекча миллий либосни фақат кекса онахонлар кийишмоқда. Муаллимлар миллий либосларимизни тарғибот қилиб, ўзлари ҳам ибрат кўрсатса эди, ёшларимиз устозларига ҳавас қилиб, улар ҳам киярмиди. Чунки, аксарият қизлар устозларига тақлид қиладилар. Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларида қизларнинг сарполарига хонатласдан кўрпача-ёстиқлар ҳам қилишади. Мен Андижонда хотин-қизлар муаллимлар билим юртида 5 йил бўлгуси болалар боғчаси тарбиячиларига дарс берганман.

Атласга фаранг аёллари ўч бўларкан. Францияга борсангиз, хонатлас кийиб боринг. Қўлимдан келса эди, қайси миллат бўлишидан қатъиназар, 7 ёшдан 70 ёшгача бўл-



ган хотин-қизларга хонатлас кийдириб қўярдим. Оналар, тўйларга атлас кийиб боринг. Сизни кўриб, қизларимизда ҳам хоҳиш пайдо бўлади. Атласнинг шаъни улуғланган шеърлар ҳам бисёр.

“Муҳайё, Сурайё,
Раъно, Муқаддас,
Кўзимни яшатиб,
кийибсиз атлас”.

Мато нега хонатлас дейлади? Бу ҳақда кўплаб ривоятлар мавжуд.

Қадим замонда Марғилонда бир ҳунарманд бўзчи яшаган. Унинг гўзалликда танҳо – ой деса озгю кун деса, кўзи бор сулув қизи бўлган экан.

Унинг таърифини эшитган Марғилон хони қизни ўзига хотинликка сўрабди. Аммо қиз унамабди. Бўзчи қизнинг хоҳишини инобатга олиб, хон совчиларига рад жавобини берибди. Шунда газабланган хон бўзчига бироз вақт бериб, шу муҳлат ичида ҳайратланарли бирон нима яратишини буюрибди. Агар бўзчи бу шартни бажарса, ўзи ва қизи жазодан қутулиб қолишини, йўқса, бу ишнинг оқибати яхши бўлмастлигини айтибди.

Ғамга ботган бўзчи ариқ бўйида узоқ ўтирибди. Бир маҳал тўсатдан ҳаво айнаиб, ёмғир ёғибди, сўнг булутлар



орасидан қуёш кўриниб, осмонда жилланган камалак акси ариқдаги сувга тушибди. Бўзчи турфа тусда ялтираётган ранго-ранг камалак асдан ҳайратланганича бир зум қотиб қолибди ва устахонасига қайтиб камалакдан андаза олиб, бир мато яратибди. Бу матода ҳамма ранглар уйғунлашган экан. У ишини тугатиб, тўқилган матони хон ҳузурига олиб борибди. Хон матони кўриб, ҳайратга тушганидан лол бўлиб қолибди ва бўзчидан бунни қандай яратганини сўрабди.

Бўзчи: – Мен бу матога поланинг қизил рангини, осмон мойиллигини, мажнунтолнинг яшиллиги, қуёш заррин нури ва қизимнинг кўзидаги меҳр учкунини жо қилдим, – деб жавоб берган экан.

Хон матони силаб туриб, унга “хонатлас” деб ном берибди.

Бўзчи эса қизини севган йигитига никоҳлаб берибди...

Санобар ТУРСУМЕТОВА,
ҚР Журналистлар
юшмаси аъзоси.Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортықбой ўғли
АЛИБОВ.Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазжон БУРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.

Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Қазигурт – Хуршид ҚўҶҚОРОВ. +7701-447-37-42.

Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.

Тулқибоз – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.

Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97.

Келес, Саригоч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўричилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилган материалларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди. КҚ34ВҮҲ0022503 ғувоҳнома берилган.

«ERNUR» МБЕ БСМХонасида чоп этилган. Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 65466. Адади – 11200 нусха.

Бўғим: 2233. Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.

Қозғистон Республикасида тарқатилади.